*Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!*

# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

2011 йил
19 февраль
ШАНБА
●
№ 15
(12.339)

1928 йил 11 декабрда асос солинган | **Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси** | www.th.uz

БУГУННИНГ ГАПИ

## ТЕХНИКА МАВСУМГА ШАЙ

**"Ўртачирчиқ МТП" давлат акциядорлик жамияти тумандаги 350 дан ортиқ фермер хўжалигига техника хизмати кўрсатмоқда.**

– Айни кунларда 206 чопиқ трактори, 206 культиватор, 30 та ғалла комбайни, борона ва чизеллар сифатли таъмирланиб, мавсумга ҳозирлаб қўйилди, – дейди акциядорлик жамияти бош муҳандиси Рустам Мамажонов. – Ҳозир жамиятимиз бутунлай янгича қиёфа касб этмоқда. Бўш турган бинолардан самарали фойдаланиш мақсадида 2000 дона товуқ, 10 га яқин қорамол боқиш учун жой ҳозирланди. Шунингдек, автосервис ва маиший хизмат кўрсатиш, автомобиль эҳтиёт қисмлари, минерал ўғит дўконлари, ишчи-хизматчилар учун ошхона қурилди.

Техникаларни мавсумга тайёрлашда тумандаги касб-ҳунар коллежидан амалиётга келган битирувчилар ёрдам беришмоқда. Уларнинг амалаёт ўташлари учун синфхона ва устахоналар қурилиб, барча шарт-шароитлар яратиб берилди.

Бу йил акциядорлик жамияти фермерларга 650 миллион сўмлик техник хизмат кўрсатади. Айни пайтда жамиятга қарашли 14 муқобил машина трактор парки ҳам фермерлар оғирини енгил қилмоқда.



**СУРАТДА:** "Ўртачирчиқ МТП" давлат акциядорлик жамияти бош муҳандиси Рустам Мамажонов (ўртада) операторлар билан.

**Собир ЗУФАРОВ олган сурат.**

ТРАНСПОРТ ВА НАЗОРАТ

## АВТОУЛОВДА ЮРИШ ҚУЛАЙ ВА САМАРАЛИ

### аммо, бунинг учун йўл ҳаракати ҳодисаларининг олдини олиш керак

Маълумотларга кўра, дунё аҳолисининг 95 фоизи автобус, трамвай, троллейбус, енгил ва йўловчи ташувчи транспорт воситаларидан доимий фойдаланар, қолган 5 фоизи эса уй бекалари ҳамда ишлашга лаёқати йўқ шахслар экан.

Дарҳақиқат, ҳаёт шиддат билан ривожланаётган ҳозирги даврда транспорт воситалари бизга катта қулайлик яратаяпти. Истаган жойимизга бир зумда қийинчиликсиз етиб олишимиз мумкин. У юкимизни енгил қилишда, айниқса, асқотади.

Зеро, бугунги кунда мамлакатимизнинг иқтисодий, сиёсий ва маданий ҳаётида амалга оширилаётган кенг кўламли ўзгаришлар замирида ҳам ҳар бир фуқаронинг ҳақ-ҳуқуқларини қонуний муҳофаза қилиш, уларнинг фаровонлиги ва осойишталигини таъминлашдек устувор мақсад ётибди.

Бу борада йўл-транспорт ҳодисаларининг олдини олиш, йўловчилар хавфсизлигини таъминлаш, транспорт воситаларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш ҳам алоҳида аҳамият касб этади.

Вилоят ИИБ ЙҲХ бошқармаси ва унинг жойлардаги бўлинмалари йўл-транспорт ҳодисаларининг олдини олиш, ҳаракатланиш хавфсизлигини таъминлаш, транспорт воситаларидан унумли фойдаланиш мақсадида бир қатор чора-тадбир ва кенг қамровли ташкилий ишларни амалга оширмоқда. Вилоятимизда жисмоний шахсларга тегишли бўлган 174 минг 101 та ҳамда 2369 та автохўжаликлар (балансида транспорт воситаси мавжуд бўлган хўжалик юритувчи субъектлар) бўлиб, улар таркибида 17 минг 026 та транспорт воситалари бор.

Ушбу автокорхоналарда транспорт воситаларининг йўналишга чиқишдан олдинги техник ҳолати Назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи республика кенгаши томонидан рухсат берилган тартибда комплекс текширувдан ўтказилмоқда.

Назорат чоғида асосий эътибор автокорхона масъул ходимларининг йўл-транспорт ҳодисаларининг олдини олиш, ҳаракатланиш хавфсизлигини таъминлаш, транспорт воситаларини сақлаш ва техник ҳолати қай даражада текширилганига қаратилмоқда. Аниқланган камчиликлар юзасидан таклифлар киритилиб, автокорхона ходимларига амалий ёрдам кўрсатилмоқда.

Бундан ташқари, вилоят ЙҲХ бошқармаси ва унинг жойлардаги бўлинмалари ўтказаётган йиғилишларда хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятига ноқонуний аралашмаслик юзасидан йўриқномалар бериб, суҳбатлар ўтказмоқда.

Шунингдек, вилоят ЙҲХ бошқармасининг барча бўлинмаларида "Ишонч телефонлари" доимий ишлаши таъминланган.

Қолаверса, Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йилида шахсий фаолият бошламоқчи бўлганлар учун ҳамда фаолият юритаётган тадбиркорларга керакли маълумот, маслаҳатлар бериш тизими йўлга қўйилган, ҳар ойнинг учинчи шанба куни ЙҲХ бошқармасида "Очиқ эшиклар куни" бўлиб ўтмоқда.

Бу каби тадбирлар, шаҳар ва туман ҳокимликларида ҳам уюштирилмоқда. Тадбиркорлар ўзларини қизиқтирган саволлар, муаммоли масалалари билан мурожаат этмоқдалар. Уларга масаланинг ечимини топишда ёрдам беряпти.

Ушбу тарғибот-ташвиқотларни ўтказишдан мақсад йўловчиларимиз хавфсизлигини таъминлаш ва йўл-транспорт ҳодисаларининг олдини олиш, халқимиз осойишталигини таъминлашдир.

**Собиржон ИРИСБЕКОВ,**
**вилоят ЙҲХ бошқармаси бошлиғи.**

ҚОНУН ВА ИЖРО

**Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш шароитида суғурта фаолияти субъектларига яратилган кафолатлар туфайли уларнинг иқтисодиётимизни ривожлантиришдаги роли ва ўрни тобора ошиб бораётганлигини кўрсатмоқда.**

## СУҒУРТА БОЗОРИ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИНИНГ ТАКОМИЛЛАШУВИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримов таъкидлаганидек, "...иқтисодиётни янада эркинлаштириш жараёнини тегишли бозор инфратузилмаси, яъни банк-молия тизими, лизинг, аудиторлик, суғурта, инжиниринг ва бошқа тузилмаларни ривожлантирмасдан туриб амалга ошириш мумкин эмас".

Ўзбекистон Республикасининг "Суғурта фаолияти тўғрисида", "Иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурталаш тўғрисида", "Транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш тўғрисида", "Ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисалар ва касб касалликларидан мажбурий давлат ижтимоий суғуртаси тўғрисида"ги қонунлари амал қилаётгани, ўз навбатида мамлакатимиз суғурта бозорида фаолият юритувчи субъектлар учун ҳуқуқий база етарли шакллантирилганидан далолат беради.

Айни пайтда, мамлакатимизда соҳага оид бир қатор қонуности ҳужжатлари ҳам қабул қилинган бўлиб, улар жумласига Республика Президентининг "Суғурта хизматлари бозорини янада ислоҳ қилиш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарори билан тасдиқланган "2007-2010 йилларда Ўзбекистон Республикаси суғурта бозорини ислоҳ қилиш ва ривожлантириш Дастури"ни, суғурта фаолиятини янада такомиллаштириш, суғурталовчиларнинг капиталлашуви ва молиявий барқарорлигини ошириш, уларнинг ҳудудий тармоқларини кенгайтириш ва суғурта компанияларининг инвестиция жараёнларидаги иштирокини рағбатлантириш, шунингдек, суғурта хизматларидан фойдаланувчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишни таъминлаш мақсадида "Суғурта хизматлари бозорини янада ислоҳ қилиш ва ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Қарорини, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан 2009 йилнинг 24 июнида "Иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ ва иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилишнинг тўлақонли фаолият кўрсатишини таъминлаш мақсадида қабул қилинган ""Иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонунини амалга ошириш чора-тадбирлари ҳақида"ги, 2008 йил 24 июнда "Транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ ва транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилишнинг тўлиқ амал қилишини таъминлаш мақсадида қабул қилинган "Транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини амалга ошириш чора-тадбирлари ҳақида"-ги, 2008 йил 28 мартда озиқ-овқат буғдойининг барқарор суғурта фондини шакллантириш, давлат ресурсидаги озиқ-овқат буғдойидан қатъий мақсадли фойдаланилишини таъминлаш ва ички истеъмол бозорини ҳимоя қилиш мақсадида қабул қилинган "Озиқ-овқат буғдойининг суғурта фондини ғамлаш, сақлаш, янгилаш ва ундан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида"ги, 2002 йил 27 ноябрда суғурта тизимини ривожлантиришни рағбатлантириш, суғурталовчиларнинг моддий-техник базасини ва молиявий барқарорлигини мустаҳкамлаш, уларнинг минтақавий ваколатхоналарини кенгайтириш ва аҳолининг суғурта ташкилотларига бўлган ишончини ошириш мақсадида қабул қилинган "Суғурта хизматлари бозорини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарорларини киритиш мумкин. Айнан ушбу меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар натижасида юртимизда "Ўзбекинвест", "Кафолат", "Ўзагросуғурта" ва бошқа кўплаб суғурта компаниялари фаолият юритмоқда.

Шу билан бирга, суғурта бозорини янада ривожлантириб бориш муҳим масалалардан бири ҳисобланади. Шу мақсадда 2010 йилнинг 3-4 декабрь кунлари бўлиб ўтган Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг 4-ялпи мажлисида "Суғурта фаолияти тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 15- ва 18-моддаларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида"ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни" маъқулланди.

(Давоми 2-бетда).

## ИҚЛИМ ЎЗГАРИШИ ВА ИНСОН

**Ўзбекистон Миллий университетида глобал иқлим ўзгаришларининг салбий оқибатлари ва таъсирини юмшатиш масалаларига бағишланган семинар бўлиб ўтди. Ўзбекистон Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси ва Британия Кенгашининг юртимиздаги ваколатхонаси ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда олимлар, мутахассислар, тегишли олий ўқув юртларининг профессор-ўқитувчилари ва талабалар иштирок этди.**

Бугун глобал иқлим ўзгариши ер юзидаги экотизимларга, иқтисодиёт ривожи ва инсон саломатлигига жиддий путур етказмоқда. Бу муаммоларнинг салбий таъсирларини юмшатиш ва экологик мувозанатни барқарорлаштириш мақсадида қабул қилинган БМТнинг Иқлим ўзгариши бўйича конвенцияси ва Киото протоколига мамлакатимиз ҳам аъзо бўлган.

Юртимизда бу йўналишда махсус дастур ва лойиҳалар асосида изчил ишлар олиб борилаётир. Хусусан, "Навоийазот", "Фарғонаазот" ва "Максам-Чирчиқ" корхоналарида янги технологиялар жорий этилди. Автомобилларни экологик соф газ ёқилғисига ўтказиш, ишлаб чиқаришда ҳавонинг озон қатламига безарар усул ва воситалардан фойдаланиш каби кенг кўламли тадбирлар амалга оширилаётир. Натижада кейинги йилларда ҳавога зарарли моддалар чиқарилиши сезиларли даражада камайиб бормоқда.

– Иқлим ўзгариши муаммоларининг салбий таъсирини юмшатишда юксак экологик маданият муҳим аҳамиятга эга, – дейди Ўзбекистон миллий университети проректори Асқар Неъматов. – Аҳоли, айниқса, ёшларга иқлим ўзгаришининг салбий оқибатлари ва бу жараёндаги вазифаларимиз ҳақида кенгроқ тушунча ва маълумотлар бериш – долзарб вазифа.

Семинарда иқлим ўзгариши ва муқобил энергия манбалари, иқлим исишида "озон туйнуги"нинг роли, бу йўналишдаги халқаро конвенция ва протоколлар ижроси, ёшларнинг экологик маданиятини юксалтириш самаралари каби мавзуларда маърузалар тингланди.

**Баҳор ХИДИРОВА,**
**ЎзА мухбири.**

## ЙИГИТЛАР ХИЗМАТГА ОТЛАНИШДИ

**Республика Президентининг "Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларига фуқароларни навбатдаги чақирув ҳамда муддатли ҳарбий хизматнинг белгиланган муддатларини ўтаб бўлган ҳарбий хизматчиларни хизматдан бўшатиш тўғрисида"ги Қарорига асосан навбатдаги чақирув жараёни давом этмоқда.**





Ватан ва халқ тинчлигини ҳимоя қилишга отланган бир гуруҳ ёшлар вилоят чақирув пунктига йиғилишди. Ангренлик Альфия Рамазонова вилоят чақирув пунктига ўғли Эдемга ҳамроҳлик қилиб келди-ю, ҳарбий кийимда саф тортган йигитларни, фарзандларини ҳарбий хизматга кузатаётган ота-оналар юзидаги қувончни кўриб, Ватан ва халқ ҳимоясига отланган йигитлар сафида Эдем ҳам борлигидан кўнгли шодланди.

– Илгариги даврда йигитлар узоқ ўлкаларга, иқлим шароити оғир юртларга ҳарбий хизматга жўнатиларди. Ҳозир эса армияда хизмат қилиш шарафли ишга айланди. Хизматни тугатиб, олий ўқув юртларида ўқишни истовчи йигитлар учун яратилаётган имтиёзлардан ўғлим ҳам фойдаланмоқчи. Армия ёшларимизни тартиб ва интизомга ўргатади, сабр-матонатни шакллантиради. Энг муҳими – ҳарбий хизмат давомида кечагина мактаб, коллежни битирган ўспиринлар ҳақиқий эр йигитга айланишади.

Эдем Қуролли Кучларда ҳаёт мактабини ўтаб, олий маълумотли мутахассис сифатида эл фаровонлиги ва тинчлиги учун ҳисса қўшмоқчи бўлса, унинг сафдоши Янис Васильядис келажакда ҳарбий бўлишни орзу қилмоқда.

– Хизматни ўтаб бўлгач, армияда шартнома асосида ишга қолиб, юрт тинчлиги учун ҳисса қўшмоқчиман, – дейди Янис. – Паркент тумани агросаноат коллежида олган билимларим ва эгаллаган касбим ҳарбийлик фаолиятимда асқотишига ишонаман.

Ниҳоят, ҳарбий оркестр ижро этган тантанали марш садолари остида чақирилувчилар ўз ота-она ва яқинлари билан хайрлашиб, йўлга отланишди. Энди уларни янги ҳаёт ва янги имкониятлар кутмоқда.

**Абулфайз САЙИДАСҚАРОВ,**
**"Тошкент ҳақиқати" мухбири.**



**СУРАТЛАРДА:** кузатиш маросимидан лавҳалар.

**Даврон АҲМАД олган суратлар.**

«Ўзбекистон почтаси» ОАЖ | «ТЕЗ ПУЛ ЎТКАЗИШ» хизмати | Почта алоқаси хизматларидан фойдаланинг! | Тел: 237-21-93; 237-16-24 Сайт: www.pochta.uz; e-mail: oao@post.uz

ТАДБИР

# ҲАМКОРЛИКДА ҲУЖЖАТ ҚАБУЛ ҚИЛИНДИ

**Қибрай туман ҳокимлигида нодавлат нотижорат ташкилотлари, жумладан, "Маҳалла", "Нуроний", "Соғлом авлод учун" жамғармалари, "Камолот" ЁИҲ, сиёсий партиялар, Қизил ярим ой жамияти, шунингдек, таълим ва фан, қишлоқ хўжалиги, тиббиёт ходимлари, тадбиркорлар ва савдо ходимлари касаба уюшмалари вакиллари билан ҳамкорликда илмий-амалий анжуман ўтказилди.**

Республика Президентининг Олий Мажлис қўшма йиғилиши ва Вазирлар Маҳкамасининг йил якунларига бағишланган мажлисидаги маърузаларида белгилаб берилган вазифалардан келиб чиқиб, халқимиз турмуш фаровонлигини янада ошириш, мамлакатимиз иқтисодий салоҳиятини ривожлантириш, маърузалар мазмун-моҳиятини туман аҳолисига етказиш юзасидан амалий тадбирлар ташкил этишга оид тавсиялар кўриб чиқилди.

Мажлисда муҳокама қилинган масалалар юзасидан тегишли ҳужжатлар қабул қилинди.

**Отабек САИДОВ.**

КЎЧАТ ЭК, БОҒ ЯРАТ





# МЕҲР ВА ИШОНЧ НИҲОЛЛАРИ

**Шу кунларда кенг қулоч ёйган "Мустақилликнинг 20 йиллигига – 20 тупдан кўчат!" ташаббуси аҳолининг кенг қатламлари, маҳалла, корхона, мактаб ва коллежлар томонидан қўллаб-қувватланмоқда. Бу оммавий ҳаракатнинг дастлабки натижаси ўлароқ, шаҳар ва қишлоқларда 4 миллион 200 минг тупга яқин мевали дарахт кўчатлари, ток ва терак қаламчалари, манзарали дарахт ниҳоллари экилди.**

Бу савобли ишда Ўртачирчиқ тумани олдинда бораяпти. Чунончи, бу ерда жамоатчилик томонидан шу кунгача 14,53 минг туп олма, 10,74 минг туп нок, 7,37 минг туп гилос, 10 минг тупдан зиёд ўрик кўчатлари экилди. Қишлоқларда шафтоли, олхўри боғлари барпо этилаяпти.

Қўшни Юқоричирчиқ тумани ҳам бу умумхалқ ҳашарида орқада қолаётгани йўқ. Ҳозиргача Янгибозор шаҳарчаси ва бошқа қишлоқларда 300 минг тупга яқин мевали ва манзарали дарахт кўчатлари экилди.

Вилоят ҳокимлиги, хотин-қизлар қўмитаси, касаба уюшмалари вилоят ташкилотлари бирлашмаси кенгаши, "Маҳалла" жамғармаси вилоят бўлими ва "Ўзвинсаноат" холдинг компанияси ҳамкорлигида туманда машғулот ўтказилди. Тадбирга маҳалла фаоллари, ўқитувчилар, тиббиёт ходимлари таклиф қилинди. Барча шаҳар ва туманларнинг вакиллари йиғилиб, малакали мутахассислар билан янги боғлар барпо этиш учун ажратилаётган майдонларни режалаштириш, ерни кўчат экишга тайёрлаш, ниҳолларни тўғри танлаш масалалари теварагида маслаҳатлашиб олишди.

– Бу йил катта мақсадларни кўзлаб ишга киришдик, – деди вилоят касаба ташкилотлари бирлашмаси кенгаши раиси Шуҳрат Деҳқонов. – Шу мавсумда 23 миллион 573 минг туп мевали ва манзарали дарахт кўчатлари экишни режалаштирганмиз. Ҳозиргача 17,5 фоиз иш бажарилди. Шу кунларда йўл бўйларига, бўш ётган янги боғлар барпо этиш учун ажратилган майдонларга кўчат экишни янада авж олдиришимиз керак.

Йиғилганларни зараркунандаларга қарши кураш усуллари ҳақидаги фикрлар, айниқса, қизиқтирди. Улар "Ифодаагрокимёҳимоя" компанияси мутахассисларининг мулоҳазаларини эътибор билан тинглашди.

– Биз 35-40 хил дориларни етказиб беришимиз мумкин, – деди компаниянинг вилоятимиздаги вакили Дилмурод Сафаров. – Ҳозир 1500 фермер хўжалиги хизматимиздан фойдаланмоқда. Жаҳоннинг етакчи ишлаб чиқарувчилари етказиб бераётган бу дорилар табиат неъматларининг инсон саломатлиги учун хавфсизлиги талабларига тўла жавоб беради.

Саноқли йиллардан сўнг мактаб, коллеж, маҳалла ва хонадонларнинг ҳовлилари мева ва узумга сероб бўлади. Йўллар бўйлаб бугун экилаётган олма, ўрик, ёнғоқ ва бошқа дарахтлар ҳосилга киради. Қишлоқ ва шаҳарларимиз мевазор ва токзорларга бурканади. Натижада ҳаво тозаланиб, экологик муҳит яна ҳам яхшиланади, дастурхонларимиз ноз-неъматга тўлади.

Машғулотларда вилоят ҳокими ўринбосари, хотин-қизлар қўмитаси раиси Сайёра Файзиева иштирок этди.

**Жўрабек МУРОДОВ.**
**Еркебой БОТИРОВ олган суратлар.**

*Халқ депутатлари Тошкент вилояти Кенгашига сайлов ўтказувчи вилоят сайлов комиссиясининг*

*ҚАРОРИ*

# ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ КЕНГАШИНИНГ БЎШАБ ҚОЛГАН ЎРИНЛАРИ ДЕПУТАТЛИГИГА САЙЛОВ ЎТКАЗУВЧИ ОКРУГ САЙЛОВ КОМИССИЯЛАРИНИ ТУЗИШ ТЎҒРИСИДА

**"Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 11, 12, 44-моддаларига мувофиқ вилоят сайлов комиссияси**

**ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

**Халқ депутатлари Кенгашининг бўшаб қолган ўринлари депутатлигига сайлов ўтказувчи округ сайлов комиссиялари қуйидаги таркибда тузилсин:**

## 35-"Олимкент" округ сайлов комиссияси

**Комиссия раиси**

**Назаров Абдурашид Худирбойевич** – Оққўрғон тумани Олимкент қўрғони фуқаролар йиғини масъул котиби

**Комиссия раиси ўринбосари**

**Синдоров Жалолиддин Холбўтаевич** – Оққўрғон тумани Транспорт ва сервис касб-ҳунар коллежи директорининг ўқув ишлари бўйича ўринбосари

**Комиссия котиби**

**Джурабоева Дилфуза** – Оққўрғон туманидаги 3-мактаб ўқитувчиси

**Комиссия аъзолари**

**Элмуратов Ярмухаммад Усмоналиевич** – Оққўрғон туманидаги 3-мактаб ўқитувчиси

**Наринбаев Бахтиёр Жумадиллаевич** – Оққўрғон туманидаги 3-мактаб директорининг маънавият ва маърифат ишлари бўйича ўринбосари

**Ибраев Мурат Маткеевич** – Оққўрғон туманидаги 3-мактаб ўқитувчиси

**Рахимжонова Гульчехра Тўрақуловна** – Оққўрғон туманидаги 3-мактаб кутубхонаси мудираси

**Эгамкулов Бакир Бегимкулович** – Оққўрғон тумани Ижтимоий-иқтисодий ва хизмат кўрсатиш касб-ҳунар коллежи бош ҳисобчиси

**Анарбаева Джамила Миржажановна** – Оққўрғон туманидаги 3-мактаб рус тили фани ўқитувчиси

## 55-"Бордонкўл" округ сайлов комиссияси

**Комиссия раиси**

**Усмонова Зулхумор Йўлдошевна** – Юқоричирчиқ туманидаги Бордонкўл қишлоқ фуқаролар йиғини раиси

**Комиссия раиси ўринбосари**

**Нурматов Фахриддин Ортиқбоевич** – Юқоричирчиқ туманидаги 30-мактаб директори

**Комиссия котиби**

**Тангирова Матлуба Эргашходжаевна** – Юқоричирчиқ туманидаги Бордонкўл қишлоқ фуқаролар йиғини котибаси

**Комиссия аъзолари**

**Бекешев Мирзахмед** – Юқоричирчиқ туманидаги "Уммат ҳосилот" фермер хўжалиги ишчиси

**Наврузов Нурали** – Юқоричирчиқ туманидаги "Жалолтепа" маҳалла фуқаролар йиғини раиси

**Алтаев Абилтай** – Юқоричирчиқ туманидаги А. Яссавий маҳалла фуқаролар йиғини посбони

**Калдыбаев Дамир Ергешевич** – пенсионер

**Оспанова Манзура Ильясовна** – Юқоричирчиқ туманидаги 13-мактаб директори

**Ибраев Нурхат Абдуманнапович** – Юқоричирчиқ туманидаги Агросаноат касб-ҳунар коллежи директори

**Мирзахматов Саидахмад Абдусаматович** – Юқоричирчиқ тумани Давлат санитария эпидемиология назорати марказы бўлим мудири

**Қодиров Ғайрат Шарофжонович** – Юқоричирчиқ тумани статистика бўлими бошлиғи ўринбосари

## 59-"Гулбаҳор" округ сайлов комиссияси

**Комиссия раиси**

**Имомова Бахрихон** – Янгийўл туманидаги 39-мактаб директори

**Комиссия раиси ўринбосари**

**Жиенбоев Абдумалик** – Янгийўл туманидаги Гулбаҳор Саноат касб-ҳунар коллежи бўлим бошлиғи

**Комиссия котиби**

**Абдувалиев Бахтиёр** – Янгийўл туманидаги Гулбаҳор Саноат касб-ҳунар коллежи ўқитувчиси

**Комиссия аъзолари**

**Нишаналиева Нодира** – Янгийўл туманидаги Гулбаҳор Саноат касб-ҳунар коллежи ишлаб чиқариш ўқитувчиси

**Сидикова Холкарам** – Янгийўл туманидаги "Аҳил" маҳалла фуқаролар йиғини котиби

**Каримова Ёқутхон** – Янгийўл туманидаги "Қўш-ёғоч" маҳалла фуқаролар йиғини котиби

**Раупов Отабек** – Янгийўл туманидаги Эски Қовунчи қишлоқ фуқаролар йиғини бўлим бошлиғи

**Турдалиев Бахром** – Янгийўл туманидаги "Қўш-ёғоч" маҳалла фуқаролар йиғини бўлим бошлиғи

**Арпабоев Кенжабой** – Янгийўл туманидаги "Наврўз" маҳалла фуқаролар йиғини раиси

**Абдувоситова Сапура** – Янгийўл туманидаги "Байтиш" маҳалла фуқаролар йиғини маслаҳатчиси

**Эргашева Нодира** – Янгийўл туманидаги "Ёшлик" маҳалла фуқаролар йиғини котибаси

**Вилоят сайлов комиссияси раиси** **У. АБДУШАХИДОВ.**

2011 йил 17 февраль.

ҚОНУН ВА ИЖРО



# СУҒУРТА БОЗОРИ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИНИНГ ТАКОМИЛЛАШУВИ

Мазкур қонун лойиҳаси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан ишлаб чиқилган бўлиб, 2010 йилнинг 2 ноябрида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси томонидан қабул қилинди.

Натижада, суғурталовчилар ва суғурта брокерларининг суғурта фаолиятини лицензиялаш амалиётини мустаҳкамлаш ҳамда суғурта тизимини ривожлантиришни рағбатлантириш, суғурталовчиларнинг моддий-техник базасини ва молиявий барқарорлигини мустаҳкамлаш, уларнинг минтақавий ваколатхоналарини кенгайтириш ва аҳолининг суғурта ташкилотларига бўлган ишончини ошириш юзасидан Вазирлар Маҳкамасининг "Суғурта хизматлари бозорини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори талаблари билан бир хилда қўлланишини таъминлаш мақсадида "Суғурта фаолияти тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 15-моддаси фақат қайта суғурта қилиш бўйича суғурта фаолиятини амалга ошираётган суғурталовчининг суғурта шартномаларини тузишга ҳақли эмаслиги ҳақидаги норма билан тўлдирилди.

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг "Юридик шахсни қайта ташкил этиш" деб номланувчи 49-моддасида юридик шахсни қайта ташкил этиш яъни қўшиб юбориш, қўшиб олиш, бўлиш, ажратиб чиқариш, ўзгартириш шаклларида унинг муассислари (иштирокчилари) ёки таъсис ҳужжатларида шунга вакил қилинган юридик шахс органи қарорига мувофиқ амалга оширилиши мумкинлиги мустаҳкамланган. Ўзбекистон Республикасининг "Суғурта фаолияти тўғрисида"ги Қонунининг 18-моддаси биринчи қисми ҳамда Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 49-моддаси билан мувофиқлаштириш мақсадида "Суғурта фаолияти тўғрисида"-ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 18-моддаси Ўзбекистон Республикасининг "Суғурта фаолияти тўғрисида"ги Қонунининг 18-моддаси олтинчи қисми қўшиб юбориш, бўлиш ва ажратиб чиқариш шаклида қайта ташкил этилаётган давр учун ҳамда янгитдан тузилган суғурталовчилар лицензия олгунига қадар бўлган даврда улар янги суғурта шартномаларини тузишга, амалдаги суғурта шартномаларини узайтиришга ҳақли эмасликлари ҳақидаги, шунингдек, ушбу қонуннинг 18-моддаси "Фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 23-моддаси билан мувофиқлаштириш мақсадида ўзгартириш шаклида қайта ташкил этилган суғурталовчининг лицензияси қайта расмийлаштирилиши ҳақидаги нормалар билан тўлдирилди.

Юқоридагилардан келиб чиқиб таъкидлаш жоизки, мазкур қонуннинг ижтимоий ҳаётга татбиқ этилиши суғурта бозорида фаолият юритаётган суғурталовчиларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишга ҳамда мамлакатимизда суғурта бозорини янада ривожланишига хизмат қилади.

**У. АЪЛОЕВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти етакчи илмий ходими.**

(Давоми. Боши 1-бетда).

ПАРТИЯЛАР ҲАЁТИДАН

# ИМТИЁЗЛАРГА БОЙ ЙИЛ

**O'zLiDeP вилоят кенгаши ҳамда Тадбиркорлик ва фермерликни қўллаб-қувватлаш маркази ҳамкорликда 2011 йилда тадбиркор ва кичик бизнес вакилларига кредит ажратиш ва солиқ тизими имтиёзлари ҳақида давра суҳбати уюштирди.**

Республика Тадбиркорлик ва фермерликни қўллаб-қувватлаш маркази, Савдо-саноат палатаси вилоят бошқармаси, Фермер хўжаликлари уюшмаси вилоят филиали, вилоят партия ташкилоти масъул ходимлари, вилоят солиқ инспекцияси, "Микрокредитбанк", "Асака банк" вилоят бошқармалари вакиллари, фермер ва тадбиркорлар иштирок этган тадбирда солиқ турлари ва шартлари, ижтимоий-иқтисодий ислоҳотлар тадбиркорлик ва кичик бизнес соҳаси вакиллари учун муҳим аҳамиятга эгалиги таъкидланди.

Тадбирда сўзга чиққанлар жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида мамлакат иқтисодиётининг реал секторида ўсишни таъминлаш зарурий тамойилларини ишлаб чиқиш ва татбиқ этиш лозимлигига йиғилганлар эътиборини қаратишди. Қишлоқ инфратузилмаси ҳамда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни янада ривожлантириш, фермер хўжаликлари фаолияти самарадорлигини ошириш, қўшимча иш ўринларини яратиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш, янги ижтимоий-маиший, дам олиш объектларини қуриш, мавжудларини капитал ва жорий таъмирлаш, замонавий маҳалла гузарлари, спорт иншоотлари, мактабгача тарбия, соғлиқни сақлаш муассасаларини бунёд этишда фаол иштирокини таъминлаш бўйича O'zLiDePнинг устувор вазифалари белгилаб олинди.

**Абдулла ФАЙЗИЕВ.**

# ХОНОБОДДА МАҲАЛЛА БОҒИ

**Зангиота туманидаги Хонобод қишлоғи маҳаллалари аҳли туман ҳокимлиги ва агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси туман кенгашининг Мустақиллигимизнинг 20 йиллигига атаб боғ яратиш юзасидан мурожаатини қўллаб-қувватлади. Айни кунларда барча маҳаллаларда иш қизғин бошланиб кетди.**

"Қумариқ" маҳалласида 300 тупдан ортиқ арча кўчатлари, "Номданак" ва "Нурафшон" маҳаллалари ҳудудида йўл четларига 1000 тупдан ортиқ терак экилди. "Хонобод" маҳалласи фаоллари "Маҳалла боғи"ни яратишга киришдилар.

Умуман, 2011 йилда Хонобод қишлоғида 7 минг тупдан ортиқ арча ва мевали дарахтлар экиш режалаштирилмоқда.

**Ю. ФАЗЛИДДИНОВА.**

НИГОҲ

# ҚИРҒИЗИСТОН ГИЁҲВАНДЛИК ГИРДОБИДА

**Мамлакатда миллатлараро қирғинбарот бошланган кезларда Қирғизистон раҳбарлари миллий хавфсизлик билан чамбарчас боғлиқ айрим нарсаларни унутиб қўйдилар. Ўша вақтларда ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимларининг "долзарб" ишлари ҳам болалаб кетганди. Улар миллатчи-экстремистларга паноҳ бўлишлари, қўллаб-қувватлашлари керак эди. Айрим "ватанпарвар" ходимлар эса, ўғрилаш, ўт қўйиш ва ҳатто, қотилликларда иштирок этишлари лозим эди. Бу пайтда мамлакат орқали ўтадиган наркотрафиканинг кўлами ҳам, географияси ҳам мисли кўрилмаган даражада кенг тус олди.**



Статистикага назар солган кишининг даҳшатга тушиши аниқ эди. "Халқаро сабр-тоқат учун" жамоатчилик фондининг маълумотларига қараганда, мамлакат жанубидаги тўс-тўполонлар вақтида чет элга Қирғизистон орқали 2 тоннага яқин тоза героин олиб ўтилди. Ички ишлар вазирлиги ва Давлат миллий хавфсизлик кенгашининг кундалик маълумотларида ҳам "Бишкекда наркокурьер 0,06 килограмм героин билан ушланди" каби мазмундаги хабарлар тўлиб-тошиб кетганди. Қирғизистон махсус хизмат ходимлари Тожикистон томондан келаётган гиёҳвандлик моддаларининг катта оқимидан фақат бир ҳовучинигина ушлаб қолишга улгураяптилар, холос. Айрим маълумотларга кўра, бу ерда юз тонналаб "оқ ажал" ҳақида гап бораяпти.

Бу ҳали ҳаммаси эмас. Кўп ҳолларда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ходимларининг ўзлари бу "ўлим юклари"ни мамлакат орқали ҳеч қандай тўсиқсиз, эмин-эркин олиб ўтишга ёрдам бермоқдалар. Албатта, "мушук бекорга офтобга чиқмайди". Бундай "хайриҳоҳ" ходимлар 50-100 АҚШ долларига эга бўлишади. Наркобаронлар анойи эмаслар. Бинобарин, сахийлик билан қилинган бундай сарф-харажатлар ўзини қоплайди. Негаки, Афғонистонда бир килограмм тоза героин 1000 доллар атрофида туради. Чет мамлакатларга етказилгач, 50 минг доллар, Европа Иттифоқига кирувчи давлатларда бундан ҳам ошиб кетади.

Чунончи, республиканинг жануб томонларидаги "қора бозор"ларда бир килограмм героиннинг нархи тахминан 5-6 минг, шимолий минтақаларда эса 7-8 минг доллар. Бу рақамлар воситасида ўта хавфли юкни Қирғизистон орқали қўшни мамлакатлар ва олис хорижга чиқариш қанча мўмай фойда келтиришини ҳисоблаб чиқариш қийин эмас.

Бунинг нақадар "муваффақиятли" бизнес эканлигини Американинг Афғонистондаги ҳарбийлари ҳам тезда билиб олдилар. Энди улар ўз воситачилари орқали героин ва нашани арзон нархларда сотиб олиб, АҚШнинг Манасдаги Транзит юк ташиш марказига ҳарбий самолётларда ҳеч қандай тўсиқсиз етказмоқдалар. Бутун шахсий таркиб дипломатик иммунитетга (дахлсизлик) эга бўлиб, айнан шу "ажал юки"ни АҚШга етказиб беради.

Шу билан бирга ҳаммага маълумки, наркобаронларнинг шу йўл билан топган пуллари террорчи ташкилотларни молиявий таъминлашга йўналтирилади. Ташкилотларнинг раҳбарлари эса бу маблағларга қурол-аслаҳа сотиб олиб, террорчиларни тиш-тирноқларигача қуроллантириб борадилар. Қизиғи шундаки, кейинчалик америкалик ҳарбийларга қарши айнан шу қуроллардан ўқ отилади. Ташкилот аъзолари сафини янада кенгайтириш учун тарғибот-ташвиқот ишлари кучайтирилади. Конституциявий тузумга қарши руҳдаги адабиётлар кўп нусхада чоп этилиб, аҳоли ўртасида тарқатилади.

Қирғизистонда қўлга киритилган бир янги топилма кўплаб таҳлилчи мутахассисларни мамлакатда наркобизнес ривожининг яна бир янги тармоғи фаолият бошлаши мумкинлиги ҳақида бонг уриб гапиришга мажбур этди. Гап шундаки, Давлат миллий хавфсизлик кенгаши чегара қўшинлари Ўш чегара отрядининг Саритош чегара хизмати ходимларининг тезкор-қидирув тадбири давомида Бордобо чегара постидан Қизил-Арт довони томон бораверишда тўртта картон қутига жойланган 70 килограммга яқин қорадори хом ашёси топилди. Бундан шундай хулоса келиб чиқадики, ҳамон мамлакатга четдан гиёҳвандлик яримфабрикат (хом ашё)лари олиб кирилаётган экан, демак, Қирғизистонда героин ишлаб чиқариш бўйича саноат базаси ривожлана бошлабди.

Шу билан бир вақтда мамлакатда наркомафиянинг зўравонлигига қарши кураша оладиган бирорта куч йўқ. Янги ташкил этилган Гиёҳвандлик моддаларини назорат қилувчи хизмат ҳали бирор жиҳатдан ўзини кўрсатгани йўқ. Республикада гиёҳвандлик моддалари яширин айланишига қарши курашдаги вазият ҳар доим жуда оғир ва кўплаб тегишли тузилмалар учун чинакам бош оғриғи бўлган. Бироқ бундан бир йилча аввал собиқ президент Қурманбек Боқиев гиёҳвандлик моддаларини назорат қилиш хизматини бекор қилди ва амалда бу йўналишдаги кураш майдонини кимсасиз сайҳонликка айлантирди. Унинг вазифалари Ички ишлар ва Соғлиқни сақлаш вазирликлари зиммасига юклатилди. Ваҳоланки, аввалги хизмат бошқа хизматларга қараганда самарали ишлаб, кўплаб муваффақиятли операциялар ўтказган эди.

Бу орада БМТнинг маълумотларига кўра, Қирғизистонда гиёҳвандлик моддаларини истеъмол қилувчилар 200 минг кишидан ошиб кетди. Шулардан 70 фоизи бу ажал моддаларини шприцлар орқали олувчи ҳақиқий гиёҳвандлардир.

**Асқат АБИЛОВ.**
**("Белый Парус" интернет-газетасидан).**

**Истиқлол туфайли улуғ бобокалонларимизнинг бой маънавий меросини ўрганиш, тадқиқ этиш бахтига муяссар бўлдик. Зеро, маънавият инсонни комиллик сари етаклайди.**

# МАЪНАВИЙ МЕРОС – ҚАЛБ КЎЗГУСИ

Тошкент шаҳар Юнусобод туманидаги 43-умумтаълим мактабида ташкил этилган адабиёт кечаси ғазал мулкининг султони Мир Алишер Навоий ҳамда шоҳ ва шоир Заҳириддин Муҳаммад Бобур ижодига бағишланди. Шеърият кечасига таниқли шоир ва ёзувчилар, шунингдек, ота-оналар таклиф этилди.

Тадбирда Алишер Навоий асарларидаги ҳаётга муҳаббат, инсон қадр-қимматини улуғлаш, Бобур шеъриятидаги жозибадорлик, бадиий теранлик алоҳида таъкидланди. Алишер Навоий, Заҳириддин Муҳаммад Бобур ғазалларидан намуналар ўқилиб, мумтоз наволар янгради.

**Улуғбек ҲАМРОҚУЛОВ.**

# СИЗ ҚОНУННИ БИЛАСИЗМИ?

**"Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати Оҳангарон шаҳар бўлими Кенгаши ташаббуси билан 3-умумтаълим мактабида "Сиз қонунни биласизми?" кўрик-танловининг шаҳар ҳудудий босқичи бўлиб ўтди.**

Шаҳримиз ёшларини қонунларни ҳурмат қилиш ва уларга риоя этиш руҳида тарбиялаш, ёшларнинг ўз ҳуқуқларини тўла англаб етишларига кўмаклашиш мақсадида уюштирилган кўрик-танлов икки босқичда ўтказилди.

Тадбир якунида 1-ўрин "Ҳуқуқшунослар", 2-ўрин "Адолат посбонлари", 3-ўрин "Адолат" жамоасига насиб этди. Ғолиблар шаҳар кенгаши фахрий ёрлиқлари билан тақдирландилар.

**Зилола АНОРБОЕВА.**

«Ўзбекистон почтаси» ОАЖ
Барча турдаги коммунал тўловларини қабул қилади
Почта алоқаси хизматларидан фойдаланинг!
Тел: 233-57-47
Сайт: www.pochta.uz; e-mail: oao@post.uz

# ДИҚҚАТ, ТЕНДЕР!

**Шаҳар, шаҳар атрофи ва шаҳарлараро (вилоят ичида) йўналишларда йўловчилар ташишни ташкил этиш вилоят комиссияси томонидан 2011 йил 23 март соат 18.00 да очиқ тендер ўтказилади**



**1. Битта пакет билан:**
**ШИ-12** "ЎзКТЖМ – 3-кичик ноҳия (шаҳар парки)"
**ВХ-222** "ЧКСМиК – Озодбош қишлоғи"
**ВХ-508** "Қоратухум қишлоғи – Чирчиқ АББ" (Қоратухум томондан)
**ВХ-518** "Озодбош қишлоғи – Максам-Чирчиқ ОАЖ" (Озодбош томондан)
**ВХ-506** "Бирлик қишлоғи – Чирчиқ АББ"
**2. Битта пакет билан:**
ВХ-426 "Тўйтепа АББ – Ўртасарой-Қўйлиқ АШБ"
**ВХ-430** "Ким Пен Хва ф/у – Қўйлиқ АШБ"
**ВХ-437** "Тўйтепа АББ – Қайтмас қишлоғи"
**ВХ-444** "А. Навоий ф/у – Қўйлиқ АШБ"
**3. ШИ-2** й.т "Камола дорихонаси – Кимёгарлар шаҳарчаси" (Олмалиқ ш.)
**4. ШИ-21** й.т. "Тиббиёт коллежи – Ойдин – Марказий бозор" (Олмалиқ ш.)
**5. ШИ-12** й.т. "Соғлом маҳалласи – Ангрен деҳқон бозори" (Ангрен ш.)
**6. ШИ-19** й.т. "Ангрен АШБ – Янгиобод АШБ" (Ангрен ш.)
**7. ВХ-397** "Бўка АШБ – Олмалиқ АШБ (Қўштепа орқали)" (Бўка томондан)
**8. ВХ-365 й.т.** "Ийк ота ф/у – Қўйлиқ АШБ"
**9. ВХ-333** "Олмалиқ АШБ – Пискент АШБ" (Олмалиқ томондан)
**10. ВХ-478** "Шредер олийгоҳи – Чорсу савдо маркази"
**11. ВХ-417 й.т.** "Оҳангарон АШБ – Тўйтепа АББ"

Очиқ тендерда мулкчилик шаклидан қатъи назар, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида белгиланган тартибда рўйхатга олинган, солиқ органлари ҳисобида турувчи ва автомобиль транспортида шаҳар, шаҳар атрофи ва шаҳарлараро-вилоят ичида йўловчи ташишни амалга ошириш учун лицензияси бўлган хўжалик юритувчи субъектлар иштирок этиши мумкин.

Тендер ташкилотчиси – Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 1 ноябрдаги 229-сонли, Тошкент вилояти ҳокимининг 2007 йил 14 ноябрдаги 248-сонли ва 2010 йил 18 октябрдаги 247-сонли қарорлари билан тасдиқланган Шаҳар, шаҳар атрофи ва шаҳарлараро (вилоят ичида) йўналишларда йўловчилар ташишни ташкил этиш вилоят комиссияси.

**Комиссия манзили:**
**Тошкент шаҳри, Ҳамза тумани, Лисунова кўчаси, 4/68-уй.**

Очиқ тендерда иштирок этишни хоҳловчилар Шаҳар, шаҳар атрофи ва шаҳарлараро (вилоят ичида) йўналишларда йўловчилар ташишни ташкил этиш вилоят комиссиясига тендер ҳужжатлари пакетини олиш учун Тошкент вилояти ҳокимлигининг Йўловчи транспортининг барча турлари ҳаракатини лицензиялаш ва мувофиқлаштириш Департаменти ҳисоб рақамига "Ўзсаноатқурилиш Банк" (ОПЕРО ТГРФ УзПСБ)нинг Тошкент шаҳридаги Минтақавий бўлими 20210000404661167001 (банк коди 00424, ИНН 300625470, ХХТУТ 51600)га энг кам ойлик иш ҳақининг 2 баробари миқдорида пул ўтказиб, 2011 йил 18 март соат 18.00 гача буюртма беришлари лозим.

Шаҳар, шаҳар атрофи ва шаҳарлараро (вилоят ичида) йўналишларда йўловчилар ташишни ташкил этиш вилоят комиссияси тендер таклифларини 2011 йил 22 март соат 18.00 гача қабул қилади.

**Тендер ўтказиш манзили: Тошкент шаҳри, Амир Темур шоҳкўчаси, 17-уй. Вилоят ҳокимиятининг кичик мажлислар зали. Маълумот учун телефон: (+99871) 294-92-43.**

# «TOSHKENT ELEKTR TARMOQLARI» ОАЖ

## директори ва унинг ўринбосарлари томонидан фуқароларни қабул қилиш жадвали

| № | Фамилияси, исми, отасининг исми | Лавозими | Фуқароларни қабул қилиш кунлари | Қабул қилиш соатлари |
|---|---|---|---|---|
| 1. | Зарипов Шухрат Джалалович | Директор | Ҳар ҳафтанинг душанба куни | 10.00 дан 12.00 гача |
| 2. | Вакилов Абдугани Абубокиевич | Бош муҳандис | Ҳар ҳафтанинг сешанба куни | 10.00 дан 12.00 гача |
| 3. | Каримжонов Фикрат Азизжонович | Молия масалалари ва энергия сотиш бўйича директор ўринбосари | Ҳар ҳафтанинг чоршанба куни | 10.00 дан 12.00 гача |
| 4. | Талипов Бахтиёр Эркинович | Умумий масалалар бўйича директор ўринбосари | Ҳар ҳафтанинг пайшанба куни | 10.00 дан 12.00 гача |
| 5. | Нугманов Сайфулла Забихуллаевич | Капитал қурилиш бўйича директор ўринбосари | Ҳар ҳафтанинг жума куни | 10.00 дан 12.00 гача |

# «Toshkent elektr tarmoqlari»

## очиқ акциядорлик жамияти

**Ички аудит хизмати мутахассислари вакант лавозимларига танлов эълон қилади!**

**Номзодларга қўйиладиган талаблар:**

– аудиторнинг малака сертификатига (CAP/CIPA) эга бўлиши;
– олий маълумотга ва охирги ўн йилнинг камида икки йилида бухгалтерия ҳисоби, аудит, молия ёки солиқ назорати соҳасида амалий иш стажига эга бўлиши;
– шахсий компьютерда ишлай олиши (Excel, Word, 1-С-Бухгалтерия);
– ўзбек ва рус тилларида иш юритишни билиши.

Танловда иштирок этиш учун номзодлар резюме, маълумоти тўғрисидаги диплом ва аудитор малака сертификатининг нусхалари, аудиторларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш курсларини ўтаганлиги тўғрисидаги гувоҳномаларни тақдим этишлари зарур.

**Манзил: Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Осиё кўчаси, 42-уй. Тел.: 236-91-01, факс: 233-78-18.**

**Республика кўп тармоқли Агросаноат биржаси Тошкент филиали баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!**

Аукцион савдосига Оҳангарон тумани СИБ томонидан Ангрен шаҳар ИИБ ЙХХБ жарима майдончаси ва Оҳангарон тумани ИИБ ҳовлисида сақланаётган қуйидаги автотранспорт воситалари қўйилмоқда: 1. 23.08.2010 йилдаги 4735-сон ижро ҳужжатига асосан, 1984 йилда и/ч., дав.бел. 11 N 71 30 бўлган "Ваз 21061" русумли автотранс. воситаси, бош. нархи – 1 581 000 сўм. 2. 09.04.2010 йилдаги 1589-сон ижро ҳужжатига асосан, 1980 йилда и/ч., дав.бел. 11 Z 6268 бўлган "Ваз 2103" русумли автотранс. воситаси, бош. нархи – 657 000 сўм. Аукцион савдосига Бекобод тумани СИБ томонидан Бекобод тумани Авангард ф/у ҳовлисида сақланаётган қуйидаги автотранспорт воситалари қўйилмоқда: 1. 12.01.2010 йилдаги 250-сон ижро ҳужжатига асосан, 2009 йилда и/ч., дав. бел. 20 460 ВАА бўлган "ГБА Дамас СПГ" русумли автотранс. воситаси, бош.нархи – 10 857 170 сўм. 2. 12.01.2010 йилдаги 250-сон ижро ҳужжатига асосан, 2009 йилда и/ч., дав. бел. 20 518 ВАА бўлган "Дамас" русумли автотранс. воситаси, бош.нархи – 12 165 584 сўм. Аукцион савдосига Янгийўл тумани СИБ томонидан 23.11.2010 йилдаги № 5-1343-сон ижро ҳужжатига асосан, Тошкент вилояти, Янгийўл тумани "Гулбаҳор Матлубот савдо" омборида сақланаётган, 1989 йилда ишлаб чиқарилган, дав.бел. Х 428 CSN бўлган "Мерседес Бенц 200" русумли автотранспорт воситаси қўйилмоқда, бошланғич нархи – 12 771 000 сўм. Аукцион савдосига Шайхонтоҳур тумани СИБ томонидан "Шайхонтоҳур Инвест" жарима майдончасида сақланаётган автотранспорт воситалари қўйилмоқда: 1. 15.11.2010 йилдаги 16161/6-сон ижро ҳужжатига асосан, 2009 йилда и/ч., дав.бел. 01 F 626 CA бўлган "Каптива" русумли автотранс. воситаси, бош.нархи – 48 000 000 сўм. 2. 15.11.2010 йилдаги 16161/6-сон ижро ҳужжатига асосан, 2008 йилда и/ч., дав.бел. 01 M 327 DA бўлган "Эпика" русумли автотранс. воситаси, бош.нархи – 38 125 000 сўм. 3. 22.11.2010 йилдаги 16949/6-сон ижро ҳужжатига асосан, 2006 йилда и/ч., дав.бел. 01 P 593 BA бўлган "Ваз 21150-120-20" русумли автотранс. воситаси, бош.нархи – 10 252 461 сўм. Аукцион савдосига Чилонзор тумани СИБ томонидан 27.12.2010 йилдаги № 2-213/10-сон ижро варақасига асосан, "Эркин" жарима майдончасида сақланаётган 2010 йилда ишлаб чиқарилган, дав.бел. 10 W 667 CA бўлган "Нексия" русумли автотранспорт воситаси қўйилмоқда, бошланғич нархи – 18 748 100 сўм. Аукцион савдосига Сирғали тумани СИБ томонидан 07.12.2010 йилдаги № 10-1007/12868-сон ижро варақасига асосан, "Давр Гранд Бизнес" хусусий корхонасида сақланаётган, 2008 йилда ишлаб чиқарилган, дав. бел. 10 AP 032 бўлган "Лада 21703-114-01" русумли автотранспорт воситаси қўйилмоқда, бошланғич нархи – 14 887 000 сўм. Аукцион савдосига Юнусобод тумани СИБ томонидан 30.04.2010 йилдаги № 8326/23-сон ижро ҳужжатига асосан, Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, 4-мавзеда жойлашган, умумий майдони 80,83 кв.м. бўлган, 4-хонадан иборат бўлган 67-уй, 15-хонадон (квартира) қўйилмоқда, бошланғич нархи – 57 112 404 сўм. Аукцион савдосига Учтепа тумани СИБ томонидан 26.11.2010 йилдаги № 5957/10-сон ижро ҳужжатига асосан, Тошкент шаҳри, Учтепа тумани, 30-мавзеда жойлашган умумий фойдаланиш майдони 96,26 кв.м., яшаш майдони 65,45 кв.м., 5-хонадан иборат бўлган 1-уй, 39-хонадон (квартира) қўйилмоқда, бошланғич нархи – 51 000 000 сўм. Аукцион савдосига Оҳангарон тумани СИБ томонидан 07.04.2009 йилдаги № 723-сон ижро ҳужжатига асосан, Тошкент вилояти, Оҳангарон тумани, Янги Ҳаёт қўрғонида жойлашган "Демет" хорижий корхонасига тегишли бўлган, 1-суткасига 40-тонна ун ишлаб чиқарувчи ускуна воситаси қўйилмоқда, бошланғич нархи – 220 095 000 сўм.

Аукцион савдолари 2011 йилнинг 24 март куни соат 11.00 да Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Беруний кўчаси, 83-уйда жойлашган 311-хонада ўтказилади. Юқоридаги автотранспорт ва кўчмас мулк воситаларининг такрорий аукцион савдоси 2011 йилнинг 14 апрель куни бўлиб ўтишини аввалдан маълум қиламиз.

2011 йил 10 март куни соат 11.00 да бўлиб ўтадиган такрорий очиқ аукцион савдоларига қуйидагилар қўйилмоқда: Чиноз тумани СИБ томонидан 2010 йил 23 июнда кучга кирган, № 2-42/2010-сон ижро варақасига асосан, Чиноз тумани, Янги Чиноз қўрғони, 6-мактаб ҳовлисида сақланаётган, 2007 и/чиқ., дав.бел. 11 AV 549 бўлган "FAW JILIN" фургон русумли автотранспорт воситаси қўйилмоқда, бош.нархи – 11 073 960 сўм. Аукцион савдосига Оҳангарон тумани СИБ томонидан Тошкент вилояти, Оҳангарон қурилиш материал савдо шўъба корхонасида сақланаётган қуйидаги автотранспорт воситалари қўйилмоқда: 1. 12.01.2009 йилдаги ижро варақасига асосан, 1998 йилда и/ч., дав.бел. 11 S 7226 бўлган "Нексия" русумли автотранспорт воситаси, бош. нархи – 12 816 428 сўм. 2. 08.05.2009 йилдаги № 1-90-2009-сон ижро варақасига асосан, 1995 йилда и/ч., дав.бел. Х 806 AON бўлган "Нексия" русумли автотраспорт воситаси, бош. нархи – 10 125 000 сўм. 3. 13.05.2009 йилдаги ижро варақасига асосан, 1996 йилда и/ч., дав.бел. Х 820 MSM бўлган "Audi" русумли автотранспорт воситаси, бош. нархи – 17 236 793 сўм. Аукцион савдосига Чиноз тумани, Янги Чиноз қўрғони, 6-мактаб ҳовлисида сақланётган қуйидаги автотранспорт мулк воситалари қўйилмоқда: 1. ZOOMLION QY30V русумли, давлат рақами 10 124 ВАА бўлган автокран воситаси, бош.нархи – 289 569 000 сўм. 2. Экскаватор "JONYANG" русумли, "JYL-210E" моделли, давлат рақами йўқ экскаватор воситаси, бош.нархи – 156 629 000 сўм. Аукцион савдосига Тошкент шаҳар ҳудудий СИБ томонидан 1. 03.05.2006 йилдаги № 421/2-сон ижро варақасига асосан, Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Низомий кўчасида жойлашган икки қаватли, қурилиши тугалланмаган 12-уй қўйилмоқда, бошланғич нархи – 168 103 572 сўм. 2. 06.03.2006 йилдаги № 421/2-сон ижро варақасига асосан, Тошкент вилояти, Қибрай тумани "Мичурин" далаҳовличилар ҳудудида жойлашган 67-сонли далаҳовли қўйилмоқда, бош. нархи – 289 238 968 сўм. 3. 06.03.2006 йилдаги № 1167/2-сон ижро варақасига асосан, 1994 йилда ишлаб чиқ., дав.бел. М 44-28 бўлган "Хундай Соната" русумли автотранспорт воситаси, бошланғич нархи – 9 593 621 сўм.

Ушбу савдоларда қатнашиш учун талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини ҳар бир мулк учун алоҳида тартибда, РКТАСБнинг Тошкент филиали депозит ҳисоб рақамига 20208000304632976002, АТИБ "Ипотека банк"нинг Шайхонтоҳур филиали, МФО 00425, ИНН 206852268, ОКОНХ 81200 га тўлашлари шарт. Савдога қўйилган мол-мулклар билан тегишли суд ижрочилари бўлимининг вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан ариза ва бошқа тегишли ҳужжатларни қабул қилиш кимошди савдоси ўтказилишига бир кун қолганда тўхтатилади.

Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Беруний кўчаси, 83-уй. Телефонлар: 249-54-59, 249-53-61.

Лицензия: DB 001 №000003.

**"Республика Кўчмас мулк биржаси" ЁАЖ бошланғич баҳоси ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!**

Аукцион савдосига Зангиота тумани СИБ томонидан, Зангиота тумани "Саидумар Абдуллаев" МЧЖ омборхонасида сақланаётган қуйидаги автотранспорт воситалари қўйилмоқда: 1. "Уаз-452" русумли, д/р 30В5195 бўлган, 1984 йилда и/ч автотранспорт воситаси, ижро ҳужжати 03.02.2011 й., №847. Бошланғич баҳоси – 1 651 500 сўм. 2. "Уаз-452А" русумли, д/р 11L0542 бўлган, 1970 йилда и/ч автотранспорт воситаси, ижро ҳужжати 01.02.2011 й., №848. Бошланғич баҳоси – 1 651 500 сўм. 3. "Москвич-412" русумли, д/р 11О1893 бўлган, и/ч йили аниқланмаган автотранспорт воситаси, ижро ҳужжати 03.02.2011 й., №871. Бошланғич баҳоси – 1 062 000 сўм. 4. "Ваз-21011" русумли, д/р 11О014СА бўлган, 1974 йилда и/ч автотранспорт воситаси, ижро ҳужжати 03.02.2011 й., №858. Бошланғич баҳоси – 1 580 000 сўм. 5. "Ваз-2106" русумли, д/р йўқ бўлган, и/ч йили аниқланмаган автотранспорт воситаси, ижро ҳужжати 03.02.2011 й., №856. Бошланғич баҳоси – 2 620 000 сўм. 6. "Нексия" русумли, д/р 10U627АА бўлган, 2004 йилда и/ч автотранспорт воситаси, ижро ҳужжати 03.02.2011 й., №863. Бошланғич баҳоси – 12 857 000 сўм. 7. "Газ-2410" русумли, д/р 11Х1806 бўлган, 1990 йилда и/ч автотранспорт воситаси, ижро ҳужжати 03.02.2011 й., №851. Бошланғич баҳоси – 1 971 000 сўм. 8. "М-412" русумли, д/р 11Z7714 бўлган, 1989 йилда и/ч автотранспорт воситаси, ижро ҳужжати 03.02.2011 й., №865. Бошланғич баҳоси – 1 108 000 сўм. 9. Зангиота тумани "Кўк-терак матлубот инвест" МЧЖ омборида сақланаётган, "Нексия" русумли, д/р 11Y4865 бўлган, 1996 йилда и/ч автотранспорт воситаси, ижро ҳужжати 06.08.2010 й., №8562. Бошланғич баҳоси – 5 673 194 сўм.

Аукцион савдоси 2011 йил 22 март куни соат 11.00 да бўлиб ўтади.

Савдога қўйилган автотранспорт воситалари билан туман суд ижрочилари бўлимининг вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризаларни қабул қилиш аукцион савдосига бир кун қолганда тўхтатилади.

Аукцион савдоларида қатнашиш учун талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувга асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини, тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда РКМБнинг ОАИКБ "Ипак йўли банки"нинг Сағбон ф-даги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20210000300571452114, МФО 01036, ИНН 200933850. Манзилимиз: Тошкент ш., Олмазор т., Қорақамиш-1 кўчаси, 1-А уй. Тел.: 228-79-52. www.rkmb.uz Лицензия: DB 001 №000004.

Частное предприятие "SAIDNOSHIR SERVIS" (ИНН 301677819) , зарегистрированное отделом государственной регистрации субъектов предпринимательства хокимията Шайхантахурского района г. Ташкента, реестр № 004489-09 от 11.08.2010г., расположенное по адресу: г. Ташкент, Шайхантахурский район, ул. 2-тупик Улугбек, дом 23, **ЛИКВИДИРУЕТСЯ** (по приказу директора № 2 от 07.02.2011 г.).

Претензии принимаются в течение двух месяцев с момента опубликования данного объявления по тел.: 407-07-39.

"TOSHKENT TAKSI TEX SERVIS" МЧЖга тегишли бўлган қуйидаги: 2010 йил 19 январда берилган № 2563 реестр рақамли гувоҳнома, Устав, АТ № 0000922 рақамли йўловчиларни шаҳарда енгил автомобилларда ташиш ҳуқуқини берувчи лицензия, АТ № 0036324 рақамли лицензия варақаси ҳамда Ўзбекистон автомобиль ва дарё транспорти агентлиги томонидан берилган 437-сонли аттестация варақаси йўқолганлиги сабабли

**БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика институти томонидан 1994 йилда Собирова Гульнора Абдураимовна номига берилган № 099506 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли

**БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Ҳамза тумани ТСРЎИ томонидан 2007 йил 19 апрелда 001374-07 реестр рақами билан рўйхатга олинган, Ҳамза тумани, Қурилиш кўчаси, 29-уйда жойлашган "IKKINCHI TEMIR BETON SERVIS" (СТИР 300418404) масъулияти чекланган жамияти **ТУГАТИЛАДИ** (ўзини-ўзи тугатиш тўғрисидаги 14.02.2011 й. 1-сонли қарор).

Кредиторлар ва дебиторлар даъволари икки ой муддатда 339-93-00 рақамли телефон орқали қабул қилинади.

ООО "Smart Net", зарегистрированное Чиланзарским хокимиятом г. Ташкента сообщает об уменьшении уставного фонда с 139 038 790,20 сумов до 108 411 810,26. Претензии принимаются по адресу: г. Ташкент, Чиланзарский р-н, пр-т Бунедкор, 52-А. Тел.: 276-44-41.

ЧП "SUNCITY LILY" преобразуется в ООО "SUNCITY LILY". Претензии принимаются в течение 10 дней по тел.: 948-64-26.

# Тошкент вилояти ўрта махсус, касб-ҳунар таълими бошқармаси

**I. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 28 февралдаги Р-2146-сонли фармойиши билан тасдиқланган "Академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари директорларини танлаш ва тайинлаш тартиби тўғрисидаги Низом" асосида қуйидаги таълим муассасаларининг вакант (бўш) бўлган директор лавозимларига танлов эълон қилади:**

| Т/р | Таълим муассасаси номи | Манзили |
|---|---|---|
| 1. | Ангрен тиббиёт коллежи | Ангрен шаҳри, Гўзал кўчаси, 1-уй |
| 2. | Бекобод тиббиёт коллежи | Бекобод шаҳри, Саломатлик кўчаси, 18-уй |

II. Танловда олий маълумотли (маданият ва спорт ҳамда соғлиқни сақлаш соҳасидаги таълим муассасаларида академик лицей, касб-ҳунар коллежининг таълим йўналишининг камида биттаси ёки билим соҳаси бўйича олий маълумот) ва таълим тизимидаги (педагогик, ўқув-тарбиявий, ўқув-услубий бошқарув фаолияти) иш стажи 3 йилдан кам эмас ёки академик лицей, касб-ҳунар коллежининг соҳа йўналишлари бўйича 5 йилдан кам бўлмаган амалий иш стажига эга бўлган мутахассислар иштирок этишлари мумкин. Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза этиш вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест марказининг 2010 йил 18 январдаги 89Қ/Қ, 01 /ҚҚ ва 01/ҚҚ-қарори билан ўзгартириш киритиб тасдиқланган, 2010 йил 3 февралда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 1845-2-сон билан рўйхатга олинган ва юқорида баён этилган малака талабларига жавоб бериши керак.

III. Танловда Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза этиш вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест марказининг 2008 йил 5 ноябрдаги 39, 36/Қ/Қ, 01/ҚҚ ва 01-275-сон қарори билан ўзгартириш киритиб тасдиқланган, 2008 йил 5 ноябрда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 1845-1-сон билан рўйхатга олинган "Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари ходимлари асосий лавозимларининг малака тавсифларини қўллаш бўйича йўриқнома" малака талабларига жавоб бериши керак.

IV. Танловда иштирок этиш хоҳишини билдирган номзодлар қуйидаги ҳужжатларни тақдим этади:

1. Тошкент вилояти ўрта махсус, касб-ҳунар таълими бошқармаси бошлиғи номига ариза;
2. Туман (шаҳар) ҳокимлигининг тавсияномаси (директор лавозимига номзодлар учун);
3. Таълим муассаса директорининг тавсияномаси (директор ўринбосари лавозимига номзодлар учун);
4. Сўровнома;
5. Таржимаи ҳол;
6. Маълумоти ҳақидаги ҳужжат ва унинг ксеронусхаси;
7. Илмий даражаси ва илмий унвонлари ҳақидаги ҳужжатлар ва уларнинг ксеронусхаси (мавжуд бўлса);
8. Илмий-услубий ишлар ва ихтиролар рўйхати (мавжуд бўлса);
9. 3,5х4,5 ўлчамдаги фотосурат (6 дона);
10. Номзоднинг таълим муассасасига раҳбарлик фаолияти бўйича ихтиёрий шаклда ёзган режа (концепция)си;
11. Ҳарбий гувоҳноманинг ксеронусхаси;
12. Паспорт ва унинг ксеронусхаси (тураржойи билан);
13. Меҳнат дафтарчасининг ксеронусхаси;
14. ИИБдан маълумотнома.

Ҳужжатлар эълон чиққан кундан бошлаб 30 (ўттиз) кун мобайнида қабул қилинади.

**Мурожаат учун манзил: Тошкент вилояти, Қибрай тумани, Салар шаҳарчаси, Қорамурт кўчаси, 1-уй. Телефонлар: 150-40-35, 905-82-48.**

**Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест маркази, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими Марказининг "Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари директор ўринбосарлари, педагог ва муҳандис-педагогларнинг бўш (вакант) лавозимларни эгаллаш учун уларни танлов асосида танлаб олиш тўғрисидаги Низомининг янги таҳрири"нинг ижросини таъминлаш учун Ангрен тиббиёт коллежи ўқув ишлари ҳамда касбий таълим бўйича директор ўринбосарлари лавозимлар вакант бўлганлигини маълум қилади ва ушбу лавозимларга 2011 йил 18 февралдан бошлаб**

**ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ.**

Танловда қатнашишга хоҳиш билдирган номзодлар Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги Кадрлар билан ишлаш бошқармасига эълон чоп этилгандан сўнг бир ой муддат давомида қуйидаги ҳужжатларни тақдим этишлари керак: Соғлиқни сақлаш вазири А. И. Икрамов номига ариза, маълумоти ва малака бўйича ҳужжатларнинг нусхаси, номзод ҳақида маълумотнома, сўровнома, таржимаи ҳол, паспорт нусхаси, меҳнат дафтарчасидан нусха, фотосурат 3х4 см. 6 дона, директор ўринбосари лавозимини амалга ошириш учун ихтиёрий равишда ёзилган концепция (режа).

**Соғлиқни сақлаш вазирлиги манзили: Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 12-уй. Мурожаат учун телефонлар: 244-12-02, 241-54-54.**

«Ўзбекистон почтаси» ОАЖ
ГАЗЕТА, ЖУРНАЛ ВА КИТОБЛАРГА **ОБУНА** бўлинг
Тел: 233-08-34
Сайт: www.pochta.uz; e-mail: oao@post.uz

# ТАҲРИРИЯТГА ХАТ КЕЛДИ

## АВТОБУС ЙЎНАЛИШИ УЗАЙТИРИЛСА...

**Ҳурматли таҳририят, "Тошкент ҳақиқати" газетасининг 2011 йил 15 январь сонида "Давр автобизнес" корхонаси томонидан қўйилган "ISUZU" русумли автобусларнинг Чиноз – Тошкент йўналиши бўйича аҳолига хизмат кўрсата бошлагани ҳақида ёзилган. Бундай замонавий автобусларнинг ушбу йўналишга қўйилгани ҳақиқатан ҳам бу ҳудудда яшовчилар учун жуда катта қулайлик яратди.**

Мен ушбу хатни Қуйичирчиқ туманидаги Гул қишлоғи аҳолиси номидан йўллаяпман. Илтимосимиз шуки, Чиноз – Тошкент, Тошкент – Чиноз йўналиши бўйича қатновчи автобусларнинг манзилини Гул қишлоғигача узайтириш масаласи кўриб чиқилса, мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Чунки қишлоғимизнинг юздан ортиқ фарзандлари шу йўналишдаги Кўрғонча ва Чиноздаги коллежларда таҳсил олмоқда, бу уларнинг ўқишга қатнашига қулайлик яратади. Иккинчидан, Гул аҳолиси, пенсионер ва қарияларнинг Чиноз ва пойтахтимиз Тошкентга бориб келишлари осонлашарди. Қолаверса, бу йўлда ноқонуний қатнаётган "учар такси"лардан қутулиш имконини берар эди.

**А. АБДУСАТТОРОВ,**
**Қуйичирчиқ тумани Гул қишлоғи.**

СЎРАГАН ЭДИНГИЗ

## МЕРОСГА ДАЪВОГАР КИМ?

*Ҳурматли таҳририят, менинг ушбу саволимга мутасаддилардан жавоб олиб берсангиз.*

*2000 йил ёз ойларида фуқаролик ишлари бўйича Чирчиқ туманлараро судининг қарорига мувофиқ, акам Усмон Асиловнинг хотини билан никоҳи бекор қилинган. Акам 2010 йил 16 май куни вафот этди. Уй-жойи унинг васиятномаси асосида менинг ўғлим Сайпалов Баҳодир Султоновичга ўтди.*

*Акамнинг аёли билан никоҳлари 10 йил муқаддам бекор қилинган, ўртада фарзанд йўқ. Айтингчи, собиқ аёли, ҳозир бошқа турмушда бўлатуриб, мерос талаб қилишга ҳақлими?*

**Султон САЙПАЛОВ,**
**Бўстонлиқ тумани Хондайлиқ қишлоғи.**

Биз бу хатда кўтарилган масалани шарҳлаб бериш учун адвокатлар ҳайъатига мурожаат қилдик. Улардан шундай жавоб олинди:

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг "Қонун бўйича биринчи навбатдаги ворислар" деб номланган 1135-моддасида "Мерос қолдирувчининг болалари (шу жумладан, фарзандликка олинган болалари), эри (хотини) ва ота-онаси (фарзандликка олувчилар) тенг улушларда қонун бўйича биринчи навбатдаги ворислик ҳуқуқига эга бўладилар. Мерос қолдирувчининг вафотидан кейин туғилган болалари ҳам биринчи навбатдаги ворислар жумласига кирадилар" дейилган.

Юқоридаги хатда ёзилишича, уларнинг биргаликда турмушидан фарзанд йўқ, никоҳ эса бекор қилинган, уй-жой қонуний васиятнома орқали жиянининг эгалигига ўтган. Бундай ҳолатда собиқ хотини мерос талаб қилиш ҳуқуқига эга эмас.

**Олланиёз ҚУРБОНМУРОДОВ,**
**"Шайхонтоҳур адвокатлари" адвокатлар ҳайъати адвокати.**

# ШИКОЯТ НЕГА ЁЗИЛАДИ?

***"Бизнинг Гулбоғ қишлоғидаги 28- ва Облиқ қишлоғидаги 29-умумтаълим мактаблари таълим-тарбия ишларини давлат таълим стандартлари талаблари асосида самарали ташкил этиш учун яроқсиз ҳолатда. 28-мактаб учун янги бино қурилиши, 29-мактаб биносини реконструкция қилиш пайсалга солинаяпти".***

**Неъмат ҚЎЗИЕВ,**
**Ангрен шаҳри.**

Юртимизда баркамол авлод тарбияси учун зарур шарт-шароитлар яратиш, таълим жараёнларини замонавий педагогик технологиялар асосида ташкил этиб, ўқувчиларга пухта билим бериш, келажагимиз эгалари соғлом, жисмонан бакувват бўлиб ўсишларини таъминлаш мақсадларига давлат ва жамият алоҳида эътибор қаратаётир. Сўнгги йилларда давлат умуммиллий дастури доирасида вилоятда 777 та умумтаълим мактаби қурилди ва таъмирланди.

– Ангрен ҳам бу умуммиллий саъй-ҳаракатдан четда қолгани йўқ, – деди шаҳар халқ таълими бўлими мудири Эсонали Қорабоев. – 2004-2009 йилларда дастурга киритилган барча мактаблар биноси янгидан қурилди ёки капитал таъмирланди. Давлат умуммиллий дастури ишлаб чиқилаётган пайтда, ўша кезлардаги имкониятдан келиб чиқиб, шаҳар ҳокимининг қарорига биноан "Саноатқалинқоғозсавдо" ҳиссадорлик жамияти тасарруфидаги ўт ўчириш қисми биноси 28-мактаб ихтиёрига олиб берилди. Корхона уни реконструкция қилиб, 17 та синф ва битта мослаштирилган спорт хонасини машғулот олиб боришга тайёрлади. Синфхоналарда илгариги бетон пол қисман тахта ва линолеум билан қопланган. Чоғроқ ошхона ҳам озода.

– Мактабимизда 403 ўқувчи билим олаяпти, – дейди мактаб директори Р. Дейканова. – Тўғри, улар ўз қизиқишлари бўйича тўгарак ёки спорт секциялари машғулотларига қатнашишлари учун ҳозирча мукаммал шароит йўқ.

Обликдаги 29-мактаб биноси бундан 32 йил муқаддам 1170 ўқувчига мўлжаллаб, ўша давр лойиҳаси асосида қурилган. Бино ҳар йили имкон борича таъмирлаб турилади. Ҳозирги пайтга келиб, айниқса, иситиш тизими, дераза ромлари яроқсиз ҳолга келиб қолган.

– Ўтган ёзда бинонинг иккинчи бўлимидаги чакка ўтувчи томнинг 376 квадрат метр саҳнига рубероид тўшалиб, таъмирланди, – дейди мактаб директори З. Шокирхонова. – Иссиқ сув қувурлари чириб, яроқсиз ҳолга келиб қолган эди. "ОКМК" очиқ акциядорлик жамияти ажратган 300 метр қувур "Иссиқлик манбаи" мутахассислари томонидан ўрнатилди.

Мактаблардаги аҳвол билан танишиш жараёнида маълум бўлдики, педагоглар дарс машғулотлари савиясини кўтариш, болаларга пухта билим бериш учун бутун куч ва салоҳиятларини ишга солишаяпти. Бу саъй-ҳаракатлар самарасини 29-мактаб мисолида яққол кўриш

БЕПИСАНДЛИК

мумкин. Тарбия ва таълим йўналишлари бўйича ўтказилган мониторингда бу мактаб педагогик жамоаси мунтазам юқори ўринларни эгаллаб келмоқда. "Йилнинг энг яхши фан ўқитувчиси" кўрик-танловининг вилоят босқичида математика фани ўқитувчиси Лайло Ҳакимова, биология фани ўқитувчиси Муҳаббат Эралиева, миллий истиқлол ғояси ва маънавият асослари фани ўқитувчиси Наргиза Ҳаётова, кўрик-танловнинг республика босқичида эса, ҳуқуқ фани ўқитувчиси Саиджалил Комилов муваффақиятли иштирок этиб, совринли ўринларни эгаллашди. Буларнинг ҳаммаси ўқувчиларга пухта билим бериш учун зарур асос яратмоқда. Ҳар ўқув йилида мактабнинг иқтидорли ўқувчилари тўрт-беш фан бўйича олимпиадаларга қатнашиб, унинг вилоят босқичида муваффақиятларга эришмоқдалар.

Ўқувчилар ўртасида маънавий-маърифий, соғломлаштириш йўналишларида изчил иш олиб борилаётир. "Ёш йўл назоратчилари" танловида бу мактаб жамоаси мунтазам иштирок этиб, унинг республика босқичларида икки марта фаол қатнашди ва муносиб рағбатлантирилди. Ёш спортчилар эса, "Умид ниҳоллари" танловида фахрли ўринларни эгаллашди.

– Педагогик жамоамизнинг изланувчанлиги ҳамда ташаббускорлиги 80 минг АҚШ доллари миқдоридаги Япония грантини қўлга киритиш имконини берди, – деди суҳбат поёнида мактаб раҳбари. – Шу ҳисобдан ўқув ва спорт жиҳозлари, тикув машиналари, дурадгорлик дастгоҳлари олиб, мактаб таълим-техника базасини 80 фоиз янгиладик.

Ҳар икки мактабдаги аҳвол, педагогик жамоаларнинг фикр-мулоҳазалари билан танишгач, газета таҳририятига хат йўллаган меҳнат фахрийси Неъмат Қўзиев билан учрашдик. Тиним-тинчимас, ўзига ҳам, бошқаларга ҳам бирдек талабчан бу киши билан суҳбатимиз асносида маҳаллий бошқарув идораларининг айрим раҳбарлари фаолиятидаги баъзи камчилик ва нуқсонларнинг моҳияти ойдинлашди. Улар ҳамиша ҳам одамлар билан жонли мулоқотда бўлмайдилар, кўпинча бу ишда юзакичиликка, расмиятчиликка йўл қўядилар. Суҳбат чоғида 28-мактаб учун 315 ўринли синфхоналар ва спорт зали бўладиган янги бино қурилишини лойиҳалаштириш якунланаётгани, бунинг учун катта маблағ ажратилгани, 29-мактаб биноси эса, капитал таъмирланажаги ҳақидаги гапларни эшитиб, Неъмат Қўзиев:

– Бу гаплардан бехабар эдим, – деди.

– Неъмат ака билан икки-уч бор суҳбатлашдим, – деди Ангрен шаҳар ҳокими Абдулла Юнусов. – Ниҳоятда талабчан, ҳақгўй киши. Гоҳида эҳтиросларга берилиб кетиб, имкониятларимиз даражасини эътибордан қочириб қўйиши ҳам бор гап. Нима бўлганда ҳам жамиятимизда шундай инсонларнинг борлиги яхши. Улар ўз интилишлари, саъй-ҳаракатлари билан бизни эришилган натижалар билан кифояланмасликка даъват этади, баъзи расмиятчи, боқибеғам раҳбарларни эса, мудроқликдан уйғотиб туради.

Ҳокимнинг бу сўзлари бошқа изоҳларга ўрин қолдирмади.

***Жўра САЪДУЛЛАЕВ,***
***"Тошкент ҳақиқати" мухбири.***







ИСТИҚЛОЛ ИНШООТЛАРИ

# ҲАРАКАТНИНГ БАРАКАСИ БОР

**Бўкалик тадбиркор Фозилжон Жамилов бошчилик қилаётган "Қудратилло-авлод" корхонаси имтиёз ва имкониятлардан оқилона фойдаланиб, фаолиятини кенгайтирмоқда.**

Унинг саъй-ҳаракати билан яқинда туман марказида "Райҳон" янги маросимлар уйи иш бошлади. Мажмуада 25 та янги иш жойи очилди. Айни кунларда умумий овқатланиш тизими билан бир қаторда аҳолига 7 хил турда маиший хизмат кўрсатилмоқда.

Тиниб-тинчимас тадбиркор бу билан кифояланиб қолмоқчи эмас.

Яқин кунларда чиқиндини қайта ишлайдиган цех ҳам ишга тушади. Энди туманнинг барча ҳудудларидан олиб келинадиган чиқиндилар шу ернинг ўзида қайта ишланади. Энг муҳими, яна 25 киши иш билан таъминланади.

– Келгуси режаларимиз янада катта, – дейди ишбилармон. – Айниқса, Юртбошимиз эътибори туфайли биз – тадбиркорларга яратиб берилаётган қўшимча имкониятлар мени янги-янги ғояларга ундамоқда. Асосий мақсадимиз халқимизга муносиб хизмат кўрсатишдир.

**Юлдузхон МУҲИДДИНОВА.**

**СУРАТЛАРДА:** янги бинонинг ташқи ва ички кўриниши; ошпаз Шамсиддин Исмоилов иш устида.

**Собир ЗУФАРОВ олган суратлар.**

ОДАМИЙЛИК ШЕВАСИ

# ҚАЛБ МАЛҲАМИ

Эсимда, эндигина бошланғич мактабга чиққан пайтларим. Бир куни онамлар ошхонада куймаланиб нимадир тайёрлаётганлари устига кириб қолдим ва "Ойи нима пишираяпсиз?", деб сўрадим. Шунда онам қўшни хола қизидан айрилгани сабаб қалби жароҳатланганини, қувват бўлсин деб уларга гуручли бўтқа тайёрлаётганларини, инсон ғам чеккан пайтларида таом пиширишга ҳам, уйларни саранжом қилишга ҳам ҳоли бўлмаслигини айтдилар.

Кўчиб келганига кўп бўлмаган қўшни уйда олти яшарлик қизча ва унинг онаси яшар эдилар. Бироқ ҳеч қанча муддат ўтмай, қизча оғир касалликка чалиниб, боқий дунёга йўл олди. Қўшни хола ғамғуссага ботиб, ётиб қолди, энг ачинарлиси, унга қарайдиган ҳеч ким йўқ эди.

Онам қўшни аёлникига кирдилар. "Мен ён тарафингиздаги уйда яшайдиган қўшнингиз бўламан. Мана бундан бироз тановул қилиб олсангиз, деб олиб чиққан эдим..." дедилар. Қўшни аёл эса: "Овора бўлибсиз. Қандай миннатдорчилик билдиришни ҳам билмайман", деб хижолат тортди. Онам олиб чиққан бўтқадан 1-2 қошиқ еяр-емас, ҳўнграб йиғлаб юборди. Менинг хаёлимда эса "унинг қалби жароҳатланган" деган биргина жумла айланарди.

Эртаси куни мактабдан қайтаётиб, дорихонага кирдим. Жароҳатни тузатувчи малҳам сотиб олдим. Ва қўшни уй эшигини тақиллатдим. Эшикни очган қўшни аёл:

– Тинчликми? – деб сўради.

– Хола, манави малҳамни юрагингиздаги жароҳатга суртсангиз, ундан асар ҳам қолмайди, – дедим малҳамни узатиб.

Шунда қўшни аёл тиз чўкиб, мени бағрига босди ва: "Раҳмат, қизим... Раҳмат!", деди. Сезиб турардим – у бу сафар унсиз йиғларди.

Шундан сўнг қўшни аёл оёққа туриб кетди. Калит учун мўлжалланган шиша идишли кичик осма тумор сотиб олди. Шиша ичига эса мен берган малҳам дорини солиб қўйди.

Кейинчалик шуни англаб етдимки, инсон томонидан кўрсатилган ҳар қандай меҳр ва эътибор қалб жароҳатини даволовчи малҳам экан.

**Корейс тилидан**
**Зилола АБДУҒАФУРОВА таржимаси.**


Частное предприятие "OMINAYATUL BARAKA" (ИНН 301483450) сообщает об изменении формы собственности с ЧП на ООО (Частное предприятие на общество с ограниченной ответственностью).

ЧФ "MURODU-MAQSAD" преобразуется в ООО "MURODU-MAQSAD". Претензии принимаются в течение 10 дней по тел.: 300-08-61.

Утерянный план квартиры, расположенный по адресу: Сергели-8, дом 10, кв. 32, выданный на имя Демьяненко Татьяны Федоровны,
**СЧИТАТЬ НЕДЕЙСТВИТЕЛЬНЫМ.**

Мирободтумани ҳокимлиги ТСРЎИ томонидан рўйхатдан ўтган "ARK STORY UNIVERSAL" МЧЖ (СТИР 301064838) номига берилган думалоқ муҳр ва бурчак штампи йўқолганлиги сабабли
**БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**


ТУҲФА

**Сўнгги йилларда миллий журналистикани ривожлантиришга йўналтирилган йирик илмий ишлар яратилди, истиқлол руҳи билан йўғрилган қатор дарсликлар, ўқув қўлланмалари чоп этилди. Умрини журналистика илмига, унинг ривожига бағишлаган, кўплаб илмий ва бадиий китоблар муаллифи, филология фанлари доктори, Ўзбекистон Миллий университети журналистика факультети профессори Мухтор Худойқуловнинг Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги мувофиқлаштирувчи кенгаши томонидан нашрга тавсия этилган "Журналистика ва публицистика" номли китобининг мазмуни ҳам, ҳажми ҳам анча залворли. Энг асосийси, ўтган қисқа вақт ичида бу ўқув қўлланма талабалар орасида қўлма-қўл бўлиб ўрганилаётгани унинг асл қийматини белгилаб берди.**

# ЖИЛДЛАНГАН САБОҚ



Албатта матбуот, умуман, оммавий ахборот воситалари ижтимоий информация йиғиш ва тарқатишнинг асосий воситаси бўлиб ўзига хос ички, объектив қонуниятлар асосида иш кўради. Бу қонун-қоидаларни билиш ва татбиқ этиш орқалигина матбуот фаолиятини бошқариш ва жамиятга хизмат эттириш мумкин. Бу масала билан журналистика фани, аниқроғи журналистика назарияси шуғулланади. Матбуот материалларининг ўзагини эса публицистика ташкил этади, у ҳаётни тасвирлаш, акс эттиришнинг ўзига хос тури бўлиб матбуот, журналистика билан муштарак ҳолда иш тутади ва унинг ажралмас таркибий қисмига айланади. Яъни, публицистик ижод назарияси ҳам журналистика фани билан уйғун бир хил қонуниятга бўйсунади.

Бошқа ижтимоий фанлар қаторида журналистика назарияси фани ҳам ҳаёт билан биргаликда тараққий этиб бормоқда. Мамлакатимиз миллий мустақилликка эришгач, бошқа ижтимоий ҳодисалар қатори матбуот ва журналистиканинг қонуниятларини ҳам илгариги тор, якка ғоя нуқтаи назаридан эмас, кенг, умуминсоний нуқтаи назардан, холис тадқиқ этиш имкони туғилди. Журналистика назариясига доир айрим илмий ишлар, ўқув қўлланмалари пайдо бўла бошлади. Аммо журналистика ва публицистиканинг бош назарий масалалари бир жойга жамланган дарслик яратиш масаласи ҳал бўлмасдан келарди. М. Худойқуловнинг "Журналистика ва публицистика" ўқув қўлланмаси шу эҳтиёжга жавоб сифатида юзага келди. Муаллиф кўпдан буён журналистика ва публицистиканинг назарий масалаларини тадқиқ этиб келади

Қўлланмада матбуот ва публицистиканинг ички, объектив қонуниятларига доир асосий масалалар қамраб олинган. Жумладан, "Оммавий ахборот воситалари назарияси" деб номланган биринчи қисмида матбуотнинг моҳияти, унинг ижтимоий онг кўринишларидан бири эканлиги, матбуот эркинлиги, матбуот ва жамоатчилик фикри, журналист масъулияти каби масалалар чуқур тадқиқ этилиб, баён қилинган.

Қўлланманинг иккинчи қисми эса матбуот ва оммавий ахборот воситаларининг ўзига хос жиҳатлари таснифига бағишланиб, унда газета ва журналлар, радио ва телевидение, ахборот агентликлари, китоб нашриётлари ва интернет, уларнинг тарихи ва ривожланиши, ички турлари ҳақида кенг ва атрофлича маълумотлар берилган.

Китобнинг учинчи қисми публицистика назарияси ва амалиётига бағишланган. Унда муаллиф публицистиканинг моҳияти, турлари ва таркибий қисмлари ҳақида батафсил тўхталган. Маълумки, публицистика таркибий жиҳатдан учга бўлиниб, булар – информацион, таҳлилий ва бадиий публицистика ҳисобланади. Муаллиф ҳар бирига алоҳида тўхталиб, уларга таъриф беради ва ҳар бирининг ўзига хос жанр хусусиятларини баён этади. Фикрлар фақат назарий бўлиб қолмай, тегишли мисоллар билан далилланади.

Мазкур китоб фақат журналист талабалар учун асосий фан бўлган журналистика назариясини ўрганишда муҳим қўлланма бўлиб қолмай, журналистика майдонига кириб келаётган ва таҳририятларда фаолият кўрсатаётган "Маҳорат мактаблари"да ижод сирларини ўрганаётган ёш қаламкашлар учун ҳам ўзига хос ўқув қўлланма бўлиб хизмат қилади.

**Шавкат МИРАЛИМОВ,**
**Ўзбекистон Миллий университети журналистика факультети матбуот кафедраси доценти, тарих фанлари номзоди.**

# ИККИ МАКТУБ

Кўздан йироқ – кўнгилдан йироқ дейишади. Назокат Шуҳратни армияга кузатиб, бироз эркин нафас оламан деб ўйлаганди, бунинг акси бўлди. "Армиядан келгунимча биронтасига турмушга чиқадиган бўлсанг, тўйингни ҳам, уйингни ҳам бузаман" деган эди Шуҳрат Назокатга. Назокат Шуҳрат билан ваъдалашмаган, унга дил розини айтмаган бўлса-да, йигит ҳақида ўйлаганда қандайдир ширин энтикишни туя бошлади. Балки бу йигитни соғинганидандир...

Назокат билан Шуҳрат бир кўчада туришади. Боғчага ҳам бирга боришган, бир синфда ўқишган. Шунинг учун бўлса керак, Шуҳрат билан бир партада ўтириш Назокатнинг "чеки"га тушганди. Шу зайлда йиллар ўтди. Шуҳрат Назокат билан урушиб-талашишни ёқтирарди. Бир нарсадан баҳона топиб, қизнинг ғашига тегиш, унинг жаҳлини чиқаришни яхши кўрадиган Шуҳрат мактабни битирадиган йили Назокатга севги изҳор қилди. Доим кутилмаган ишларни бошлаб юрадиган Шуҳрат қиз кўнглига йўл топишнинг антиқа усулидан фойдалангани Назокатни ҳайрон қолдирганди.

Назокат олимпиадада қатнашиш учун қўшни мактабга борганди ўшанда. Мусобақа тугагач, уни шу мактабда ўқийдиган узоқроқ қариндоши Асқар уйигача кузатиб қўймоқчи бўлди-ю, Шуҳратдан балога қолди. Шуҳрат Асқарнинг кимлигини суриштириб ҳам ўтирмай, у билан дўппослашиб кетди. Икки мактаб йигитлари ўртасидаги муросасизликка сабаб бўлган ушбу жанжалдан охир-оқибат мактаб раҳбарлари ҳам хабар топишди.

Назокат шулар ҳақида ўйлар экан, ҳозиргина Шуҳратдан келган хатни ўқишга тутинди. Мактубда йигит қиздан ҳол-аҳвол сўрагач, ўзи ҳақида, хизматлар қандай ўтаётгани тўғрисида ёзибди. Ва яна ... қўшиб қўйибди: "Сени ҳеч ким хафа қилмаяптими?"

Назокат хатни қайта-қайта ўқиб чиқди. Авваллари ёзишни ёмон кўрадиган йигит шунчалар мулоҳаза билан хат битишини хаёлига ҳам келтирмаганди. Назокатнинг назарида Шуҳрат анчайин оғир-босиқ бўлиб, улғайиб қолгандай туюлди. Назокат Шуҳратдан хат келганини, соғ-омонлигини айтиш учун уларникига чиқди. Марғуба опа қизни кўриб, қувониб кетди ва ҳозиргина ўғлидан келган хатни Назокатга узатди. "...Онажон! Сизни жуда соғиндим. Армия йигитларни ҳаётга тайёрлайди, дейишарди, рост экан. Яқинларим қадрини энди биляпман. Сизларнинг, юртимнинг посбони бўлиш бахти менга ҳам насиб этганидан жуда хурсандман..." Назокат хатни охиригача ўқиб чиқди. Мактуб сўнгида йигит онасига ҳеч кимга айтолмаган сирини очганди. "Назокатни эҳтиёт қилинг, онажон!"

Назокатнинг ёноқлари ёнди, узун киприкларини пирпиратиб аскарлик кийими ўзига ниҳоятда ярашган, ўткир нигоҳлари билан ҳар қандай қизнинг қалбига ўт ёқишга қодир турган Шуҳратнинг расмига ўғринча боқди. Шу оннинг ўзида юрак уришини нафақат ўзи, балки бутун дунё эшитаётгандай, унинг ҳар зарби "Сизни албатта кутаман" деяётгандай қиз қалбининг нозик торларини чертиб ўтганди.

**Аллома АЗИЗОВА.**


Тошкент шаҳри, Мирободтумани, Қўйлиқ-1 мавзесидаги "Элга мадад сервис" ТЧСЖ (ИНН 206711854, ОКОНХ 90190), "Мадад файз сервис коммунал" ТЧСЖ (ИНН 206710894, ОКОНХ 90190), "Гўзал Қўйлиқ сервис" ТЧСЖ (ИНН 206616053, ОКОНХ 90190) ҳамда "Давр файз сервис" ТЧСЖ (ИНН 206711861, ОКОНХ 90190) ушбу уй-жой мулкдорлари ширкатлари 2011 йил 12 февралдаги умумий мажлис баённомасига асосан "Гўзал Қўйлиқ коммунал" ширкатига бириктирилаётганлиги сабабли ҳамма ҳуқуқ ва мажбуриятларни ўз зиммасига олади.

Частное предприятие "GOLD FOOD" (ИНН 301352795), зарегистрированное в хокимияте Шайхантахурского района г. Ташкента за № 003674-09 от 22.10.2009г., расположенное по адресу: ул. С. Умарова-41,
**ЛИКВИДИРУЕТСЯ.**
Претензии принимаются в течение одного месяца по тел.: 128-14-41.



ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ
ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА
Муассис: Тошкент вилояти ҳокимлиги

Бош муҳаррир Убайдулла АБДУШОҲИДОВ

**Манзилимиз:** 100000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32.
**Телефонлар:**
Хатлар ва оммавий ишлар бўлими: 236-55-54.
Эълонлар: 236-55-03, 236-55-59.

Тошкент вилояти Матбуот ва ахборот бошқармасида 03-001 рақами билан рўйхатга олинган.

Газета «Тошкент ҳақиқати» таҳририяти компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

Эълон ва билдирувлардаги факт ҳамда далилларнинг тўғрилиги учун реклама ва эълон берувчилар масъулдир.

Навбатчи муҳаррир **Сайёра РИХСИЕВА**
Навбатчи **Ирода НОРБОЕВА**
Саҳифаловчи **Тоҳир МАҲМУДХЎЖАЕВ**

Ҳафтанинг чоршанба ва шанба кунлари чиқади. Буюртма Г-240. Адади 15953. Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2. **ISSN 2010-9318.**

Ⓣ белгили материаллар – тижорат материаллари. *"Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Корхона манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй.* Нашр кўрсаткичи – 205. Босишга топшириш вақти – 20.00. Босишга топширилди – 20.00. 1234